

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил сентябрь ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья А.Алимова, судья ёрдамчиси М.Юсупованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қибрай туман прокурорининг ёрдамчиси С.Самиғов, судланувчи М.Амиркулов ва унинг ҳимоячиси З.Хамроевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251¹-моддаси 5-қисми билан Амиркулов Миржалол Бахтиёр ўғли (Amirqulov Mirjalol Baxtiyor o'g'li)ни айблаш ҳақидаги 1-1107-2503/286-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

Амиркулов Миржалол Бахтиёр ўғли (Amirqulov Mirjalol Baxtiyor o'g'li), 01.10.2003 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати тожик, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, давлат мукофоти олмаган, харбий хизматга мажбур эмас, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Мустақиллик маҳалласи, Мустақиллик кўчаси, 40-уйда истиқомат қилган, унга нисбатан 30.07.2025 йилда эҳтиёт чораси тариқасида «Қамоққа олиш» қўлланилган, 29.07.2025 йил куни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 15 август куни олган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни тафтиш қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Амиркулов – кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш йўли билан моддий манфаатдор бўлиш мақсадида ҳамда бошқа шахс (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 23.05.2014 йилдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли Қарорнинг 19-бандига кўра суд ҳукмининг тавсиф қисмида ушбу ишда муҳокама қилинмаётган шахснинг жиноятдаги иштирокини кўрсатишга ҳақли эмас. Бундай ҳолларда ҳукмда судланувчи томонидан жиноят бошқа шахс иштирокида, унинг исми, фамилияси ва шахсига оид бошқа маълумотлар кўрсатилмасдан, содир этилганлиги қайд қилиб ўтилиши мумкин) билан олдиндан тил бириктириб, 2025 йил 26 февраль куни “Папути” номли профил эгаси ҳисобланган, номаълум шахс томонидан телеграм ижтимоий тармоғи орқали жўнатилган гелокация бўйича Тошкент вилояти, Қибрай тумани, ТашГРЭС МФЙ ҳудудидаги ариқ бўйидан, қора рангли спорт сумкасига жойланган, таркибида “прегабалин” моддаси мавжуд жами 520 дона “Зардекс” ёзувли, оқ қизил рангли, цилиндр шаклдаги капсулаларни қўлга киритиб, келгусида сотиш мақсадида Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ўнкўрғон м.ф.й, Ўнкўрғон кўчасидаги ётоқхонада сақлаб келган.



2025 йил 27 февраль куни ушбу кучли таъсир қилувчи моддани миждозларга сотиш учун локация бўйича белгиланган нуқталарга қўйиш мақсадида Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ахиллик МФЙ, Камолот кўчасидаги автобус бекатнинг олдида таниши Ж.Мухиддинов билан гаплашиб ўтирганларида, ўша ердан ўтиб кетаётган ИИБ ходимлари эътиборини жалб қилганликлари учун икки нафар холислар иштирокида уларнинг эғнидаги кийимлари ва қора рангли сумка кўздан кечирилганида мазкур сумканинг ичидан жами 520 дона “Зардекс” ёзувли кучли таъсир қилувчи моддалар борлиги аниқланиб, тегишли тартибда баённома асосида расмийлаштириб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 31.05.2025 йилдаги №551-сонли хулосасига кўра, ашёвий далил сифатида олинган “Зардекс Каждая Твердая желатиновая капсула содержат: Габапентин 300 мг... Kusum Healthcare, Pvt,Ltd.,India 3000476 02/26” ёзувли, завод қадоғида бўлган 22 (йигирма икки) дона бутун конвалюталар ва 82 (саксон икки) дона конвалюта бўлакларидаги жами 513 (беш юз ўн уч) дона ҳамда 7 дона оқ қизил рангли, цилиндр шаклдаги капсулаларнинг таркибида прегабалин моддаси мавжуд эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика махсулотлари хавфсизлиги маркази Давлат муассасаси томонидан 08.05.2025 йил куни берилган №41/09-8331-сонли маълумотномасида, қалбакилаштирилган 520 дона “Зардекс 300 mg” таркибидаги “Прегабалин” моддасининг соф оғирлиги 176.176 граммни ташкил этиши кўрсатилган.

Прегабалин моддаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2023 йил 19 август кунидаги №399-сонли қарорининг “Кучли таъсир қилувчи моддалар” рўйхатидаги №55-тартиба рақамида кўрсатиб ўтилган кучли таъсир қилувчи моддалар туркумига кириши аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи Амиркулов Миржалол Бахтиёр ўғли ўз айбига қисман иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни у Тошкент кимё технология университететида 4 йилдан буён ўқиб келганини, Қибрай тумани, Ўнқўрғон маҳалласида жойлашган ётоқхонада ижара асосида яшаб келганини, 2025 йил 23 февраль куни телеграмм ижтимоий тармоғи орқали ўқишдан ташқари ишлаб пул топиш мақсадида иш қидирганини, “Иш бор” деб номланган каналга аъзо бўлганини, “Папути” номли профил эғасидан курьерлик, яъни махсулот етказиб бериш хизмати бўйича иш борлиги хақида эълонни кўриб, “Папути” номли профил эғасининг личкасига смс хабар ёзганини ва унга ўзини таништириб, хозирда ишламоқчи эканлигини билдириб, ундан қандай иш қилиш кераклигини сўраганини, профил эғаси ўзини Дилмурод деб таништириб, фақат у берган нарсани курьерлик қилиб, жойига етказиши керак бўлганини, локациялар орқали берилган нарсани кўйиб чиқиши лозим бўлганини айтганини, у нима эканлиги суриштирмасдан



пул зарур бўлгани учун рози бўлганини, иш ҳақи сифатида 500 000 сўм пул беришлигини айтганини, эртаси куни, яъни 2025 йил 24 февраль куни “Папути” номли профил эгаси билан телеграмм ижтимоий тармоғи орқали боғланганини, унга телеграмм ижтимоий тармоғи орқали гелокация жўнатганини ва ушбу манзилга бориб, у ердан ариқнинг ичидан қора рангли целофан пакетга солинган жами 5 дона скоч бўлагига ўралган ҳолатда нарсаларни олганини, сумкани ўзи билан олиб, бошқа берилган локацияга олиб бориб ташлаганини, 2025 йил 25 февраль куни “Папути” номли профил эгаси у билан боғланганини ва уни шахсини сўраганида у ўзи ҳақида ҳамма маълумотларни айтиб берганини, 2025 йил 26 февраль куни соат 18:00 ларда телеграмм ижтимоий тармоғи орқали “Папути” номли профил эгаси смс хабар ёзганини, у айтган жойдан бориб, Қибрай тумани Ташгресс маҳалласи ҳудудига борганини, у ерга борганидан сўнг йўлнинг четигаги ариқнинг ичидан қора рангли сумкани турганлигини кўрганини, уни очганида, унинг ичида жуда кўп миқдорда қанақадир дори воситалари борлигини кўрганини, нима қилиши билмай қолганини, яна иш ҳақи сифатида 500.000 сўм миқдоридаги пуллар бўлганини, кейин смс келганини ва у дори воситаларини олиб, ётоқхонасига келганини, 2 кун олдин таниши Мухиддинов Жалолбек Қашқадарёдаги ўқишлари якунига етиб қолганлигини, шунинг учун таътилга чиққанлиги муносабати билан Тошкентга уни олдиға шаҳарни айланиш мақсадида келаётганлигини телефон қилиб айтганини, 2025 йилнинг 27 февраль куни соат тахминан кечаси 03:00 ларда Қашқадарёдан Жалолбек уни ётоқхонасига келганини, 2025 йил 27 февраль куни соат тахминан 10:00 ларда Жалолбекга кўчага чиқиб овқатланишларини айтганини ва автобус бекатига келганларини, у ўзи билан ётоқхонадан дори воситалари солинган қора рангли сумкани ҳам олиб чиқганини, кўчага чиқиб, бекатнинг олдиға яқинлашганларида куртқасини тўғирлаш мақсадида кўлидаги қора рангли сумкани шериги Жалолбекга ушлаб туриш учун берганини, Жалолбек сумкани олиб кўлиға ушлаб олганини, бекатга энди келиб турганларида уларни олдиға милиция ходимлари келиб қолишганларини ва улардан нима қилиб турганларини сўрашганида у кўрқиб кетиб, Жалолбекга бу ердан кетишлигини айтганини, у югуриб қочиб кетганини, бироқ уни милиция ходимлари ушлаб олишганини, икки нафар холислар иштирокида уларни кийимларини, сумкани кўздан кечиришган вақтида, ушбу сумканинг ичидан жами 520 дона Зардекс номли дори воситаси борлиги аниқлашганини, у уларга бўлиб ўтган ҳолатни айтиб берганини, ИИБ ЖҚБ хоганинилари мендан тезкор тадбирни давом эттиришлигини сўрашганини ва у “Папути” номли профил эгаси билан боғланганини ва унга ҳозирда мазкур сумкадаги дориларни тарқата олмаслигини, сабаби ўқишида имтихонлари бошланганлигини, шу сабабли дориларни тарқатишга имконияти йўқлигини айтганини, ушбу профил эгаси унга “Change” деб номланган профилнинг эгаси мазкур дориларни ундан олиб кетишлигини ва шу сабабли дориларни бир жойда қолдириб локациясини унга жўнатишлигини айтганини, ИИБ ходимлари сариқ рангли скоч ёрдамида ясама муляж тайёрлаб, ушбу муляж ҳамда қора сумкани Қибрай тумани ҳудудидаги столбанинг таг қисмида



қолдирганларини, бироз вақт ўтиб, ушбу “Change” профилик эгаси кейинчалик шахси маълум бўлган Хуррамов Эркин исмли шахс у томонидан белгиланган манзилдан олинган ушбу сумкани ва муляжни олган вақтида ИИБ ходимлари томонидан ушланганини, таниши Жалолбекга сумканинг ичида психотроп дорилар борлигини айтганини, ичида уни кийимлари борлигини айтганини, сабаби у махалласидаги қўшниси бўлиб, уйдагиларга айтиб беришидан кўрқганини, у пулга мухтож бўлгани учун оқибатини ўйламасдан шу ишга қўл урганини, сабаби талаба бўлиб, моддий қийналиб қолганини, уйдаги ота-онаси ногирон бўлгани учун улардан ёрдам сўрамаганини баён қилиб, айбига иқроп бўлиб, қилмишидан пушаймондалигини, қармоғида ногирон ота-онаси борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, муқаддам судланмаганини, бу дориларни сотиб у фойда кўрмаганини, махалла фуқаролар йиғинини қафолат хатини инобатга олиб, суддан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Судланувчи М.Амиркуловнинг айби Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ, суд муҳокамаси давомида текширилган қуйидаги мақбул далиллар, гувоҳларнинг берган кўрсатувлари билан тасдиқланади.

Жумладан, Тарафларнинг розилиги билан судда кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Аскарбоев Жонибек Аскарбоевич ўз кўрсатмасида қуйидагиларни, яъни у ИИОда сафида 2010 йилдан буён, эгаллаб турган лавозимида эса 2024 йилнинг июль ойинидан буён хизмат қилиб келаётганини, 2025 йил 27 февраль куни соат 08:00 дан тунги 18:00гача хизматга жалб қилинганлиги боис, ушбу куни соат 08:00 да Қибрай тунини ИИБга келганини, соат тахминан 10:00 ларда Қибрай тумани Ахиллик МФЙ, Камолот кўчаси худудида ўзига бириктирилган хизмат автомашинасида хизматдошлари билан ҳаракатланиб кетаётган вақтларида бекатда унга нотаниш бўлган икки нафар шахслар бекатда ўтиришганликларини кўрганларини, улар жамоат жойида тамаки воситасини чекиб ўтиришган бўлганини, уларни олдига бориб, ўзларини таништирганларини улар Амиркулов Миржалол Бахтиёр ўғли ва Мухиддинов Жалолбек Дилмурод ўғли эканликлари аниқланганини, Ж.Мухиддиновнинг елкасида қора рангли сумка илинган ҳолатда бўлганини, М.Амиркулов шериги Ж.Мухиддиновни қўли билан елкасидан итаргандек бўлиб, уларга уни кетаверишлигини айтганини, Ж.Мухиддинов ўзидан ўзи елкасидаги сумкаси билан югуриб қочиб кетганини, уни ушлаганларини ва Ж.Мухиддиновни елкасидаги сумкасининг ичида нима борлигини текшириш мақсадида ИИБ Навбатчилик қисмига хабар бериб, ИИБ ЖҚБ ходимини чақирганларини, ИИБ ЖҚБ ходими келиб, икки нафар фуқароларни холис сифатида жалб қилиб, Ж.Мухиддиновнинг қўлидаги қора рангли сумкасини очиб текширишганларида ичидан жами 520 дона таблеткадаги дори воситалари борлиги аниқланганини, Ж.Мухиддиновдан мазкур дори воситаси ҳақида сўрашганида у мазкур дори воситаси ҳақида ҳеч нарса билмаслигини билдирганини, М.Амиркулов мазкур дори воситалари унга



тегишли эканлигини, Ж.Мухиддиновнинг мазкур сумка хақида ҳеч нарсдан хабари бўлмаганлигини, М.Амиркулов ушбу дори воситаларини интернет ижтимоий тармоғи орқали олганлигини ва ушбу дори воситаларини ўзи томонидан белгиланган локация бўйича сотиш мақсадида олиб юрганлигини билдирганини, мазкур сумкадаги дори воситаларини икки нафар холислар иштирокида ашъвий далил тариқасида расмийлаштириб олинганини баён қилган.

Жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ибраев Даулет Абдибекович ва Юлдашев Шахзод Муминжон ўғли худди гувоҳ Аскарбоев Жонибек Аскарбоевичнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатувлар берганлар.

➤ Судланувчи М.Амиркуловнинг айби юқоридагилардан ташқари судга оид кимёвий экспертизасининг 551-сонли, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасасининг хулосалари, нарсани кўздан кечириш, ашъвий далилни олиш, М.Амиркуловга тегишли бўлган телефон апаратини кўздан кечириш баённомалари ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Амиркулов томонидан содир этилган жиноятнинг юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга ҳилоф равишда кўп миқдорда қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказишда ифодаланган, жиноий ҳатти-ҳаракатлари 251¹-моддаси 5-қисми тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир” деб, 20-моддасида эса, “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқдир. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларга назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида таъкидланишича:- “судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилсин”; шу Қарорнинг 3-бандида:- “Жиноят



Кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” лиги, 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги” ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи М.Амиркуловга жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг шахсини, ёшини, айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, қарамоғида ногирон ота-онаси борлигини, оилада ягона боқувчи эканини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, яшаш жойи Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Мустақиллик МФЙдан кафиллик хатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир қилганини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги № 1-сонли Қароридаги кўрсатмаларига амал қилиб, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, юқорида қайд қилинган содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, жазо тайинлашда унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖК 251¹-моддаси 5-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатидан ҳам камроқ жазо тайинлашни, тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни ва жазо муддатини 2025 йил 29 июль кунидан бошлаб ҳисоблашни;

-шунингдек, судга оид наркологик экспертизасининг 2025 йил 13 июндаги 685-сонли хулосасига кўра, судланувчи М.Амиркулов гиёҳвандликка қарши тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтож эмас эканлиги кўрсатилганлиги сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасини қўлламасликни;



Шу билан бирга, ҳукм қонуний кучга киргач, суд иш юзасидан Тошкент вилояти Қибрай туман ИИБда сақланаётган Судга оид кимёвий экспертизанинг 31.05.2025 йилдаги №551-сонли хулосасига кўра, ашёвий далил сифатида олинган “Зардекс Каждая Твердая желатиновая капсула содержат: Габапентин 300 мг... Kusum Healthcare, Pvt,Ltd.,India 3000476 02/26” ёзувли, завод қадоғида бўлган 22 (йигирма икки) дона бутун конвалюталар ва 82 (саксон икки) дона конвалюта бўлақларидаги жами 513 (беш юз ўн уч) дона ҳамда 7 дона оқ қизил рангли, цилиндр шаклдаги капсулаларнинг белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Амиркулов Миржалол Бахтиёр ўғли (Amirqulov Mirjalol Baxtiyor o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 251¹-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу модда билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 29 июль кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи М.Амиркуловга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач ашёвий далил Тошкент вилояти Қибрай туман ИИБда сақланаётган Судга оид кимёвий экспертизанинг 31.05.2025 йилдаги №551-сонли хулосасига кўра, ашёвий далил сифатида олинган “Зардекс Каждая Твердая желатиновая капсула содержат: Габапентин 300 мг... Kusum Healthcare, Pvt,Ltd.,India 3000476 02/26” ёзувли, завод қадоғида бўлган 22 (йигирма икки) дона бутун конвалюталар ва 82 (саксон икки) дона конвалюта бўлақларидаги жами 513 (беш юз ўн уч) дона оқ қизил рангли, цилиндр шаклдаги капсулаларнинг белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг нухасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ушбу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-моддасига мувофиқ, суднинг ҳукми апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят келтириши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья имзо А.Алимова

Нухаси аслига тўғри, судья:

Маъсул судья: Алимова Аропат Мирзахидовна



Ҳужжат имзоланган: Алимова Аропат Мирзахидовна, 24.09.2025

